

## СОДДА ВА САМИМИЙ ОДАМ ЭДИ

Биз ўзбек филологларида жуда катта бир камчилик бор: кўпинча адабиётчилар тил ва тилшунослар билан, тилшунослар адабиёт ва адабиётшунослар билан деярли қизикмайди. Қизикмаганидан кейин бир-бирини билмайди ҳам. Шунинг учун бўлса керак, профессор Ёрмат Тожиевни Миллий университетга ишга келиб, бирга ишлай бошлаганимдан кейингина танидим. Билсам, мен энг яхши кўрадиган устоз тилшунос профессор Аюб Гуломнинг шогирди экан. Ёрмат ака билан тезда тил топишиб кетдик. Чунки домла жуда камсуқум, димоғдорликдан йирок, керилмайдиган оддий одам экан.

Домла кўринишда ҳам, кийинишда ҳам, гап-сўзда ҳам, муомала-муносабатда ҳам, сабоқларни ўтишда ҳам гоят оддий, олифтагарчилик ва сунъийликдан йирок одам эди. Айни шу жиҳат туфайли одамга тезда эл бўлиб кета оларди. Сабоқларда ҳам чийратилган атамаларни қўллашдан кочар, айтмоқчи бўлган гапини кўпчиликка тушунарли йўсинда содда ифодалар эди.

Ёрмат акага хос яна бир жиҳат одам танламасди. Талабалар билан ҳам тенгдошдай муомала қиларди. Шундан бўлса керак, талабалар ҳам у кишини ёктиришар ва ишонишарди. Қиздир-ўғилдир талабаларга «сен»сираб мурожаат қилар, лекин негадир бу ҳол талабаларга сира оғир ботмасди.

Узи хипчагина бўлса-да, овози баланд эди. Лекин бу баланд овоз қаҳр билан жаранглаганини ҳеч эшитмаганман. Ҳаёт кийинчиликларини тотган, оғир-босиқ, ҳар нарсадан таъсирланавермайдиган одам эди. Табиатиға кўра Ёрмат ака ута одамохун шахс эди. Каттадир-кичикдир, бирои кишиға иописандлик қилганини кўрган эмасман.

Бўлар-бўлмасға гап талашиб, фақат ўзиникини маъқуллаб юрадиганлар тоифасиға кирмаса-да, ўз фикрида собит турадиган одам эди. Илмда ҳам, манший ҳаётда ҳам, одамлар билан муносабатда ҳам ўз тухтамини ўзгартирмайдиган инсон эди.

Менинг алоҳида эътиборимни тортган яна бир жиҳати Ёрмат домла устозларига ута садоқатли шогирд эди. У кишининг илмий раҳбари бўлмиш улуг олим Аюб Гуломнинг шахсияти ва илмиға эҳтироми хайратланарли даражада юқори эди. Домласининг шахсияти ёки илмий қарашларини ҳимоя қилиш Ёрмат ака учун баъзан ҳаёт-мамот масаласиға айланиб кетарди. Бу борада муроса қилиш унга бегона эди.

Ёрмат домланинг максималистлиги ҳам йуқ эмасди. Яхши кўрган одаманинг барча жиҳатидан фазилат топар, бошқаларни ҳам эҳтиромлисининг уша фазилатларидан хабардор қилишға уринарди. Домла Озод Шарафиддиновни чексиз ҳурмат қилар, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида эзгулик кўрарди. Домласининг энг оғир кунларида ёнида бўлишнинг уддасидан чиққан одам эди.

Купчилик самимий кишилар янглиг Ёрмат ака дўстсуяр одам эди. Шу сабаб Омонулла Мадаев домла билан

бутун умр садоқатли дуст уларок яшаб ўтишди. Ёрмат Тожиёв одмиғина кўрингани ва оддийғина яшагани билан қалби гузалликка ошно одам эди. Шу туфайли ҳар кўклам Омонудла ака билан Фарғона водийсига ўрик гули сайрига боришарди. Ўрик гули сайридан олган таассуротларини айтиб адо қилолмас, гузалликдан маъно топа биларди.

Оқибатли одам уларок Умрзоқ Ўлжаёев, Раҳматилла Иноғомов, Мамлакат Жўраёева, Суюн Каримов сингари олимлар билан қалин борди-келдиси бор эди. Яхши-ёмон кунларда одамнинг ёнида тура билладиган нисон эди Ёрмат домла.

Шогирдларига жуда меҳрибон устоз эди. Домланинг ёш тадқиқотчиларга муносабати отанинг болага ёки акасини укага муносабати каби эди. Шундай муносабат сабаб бўлса керак, унинг раҳбарлигида Султонбек Нормаматов, Фазлиддин Шарипов сингари беш фан доктори, Нодира Оловиддинова, Гулчехра Келдиёрова каби йигирма олти фан номзоди диссертация ёклаганлар.

Ёрмат Тожиёвнинг, айниқса, кейинги йилларда жисмоний саломатлиги унча мустаҳкам бўлмаса-да, руҳи жуда ёш ва соғлом эди. Олимнинг бу жиҳати филологларнинг шева ва фольклор экспедициясини ташкил этишда яққол кўринарди. Ўттиз-қирқ талабани олиб бориш, жойлаштириш сингари мушкул муаммолар борлиги сабаб тоғни урса, талқон қиладиган ёш йигитларнинг ҳам юраги бетламайдиган бу хил сафарларга Ёрмат домла ҳеч бир оғринмай, жон-дилидан бораверар эди. Экспедицияга борган талабаларни еток билан таъминлаш, уларга ош-овқат ташкиллаштириш, мулжалдаги ишларни йўлга қўйиш билан шуғулланиш Ёрмат акага асло малол келмасди.

Ёрмат ака кизикарли суҳбатдош ва ҳалол улфат сифатида ҳам кўпчилиكنинг ёнида қоладиган нисон эди. Домла ёмон яшамади. Қатор фарзандлар қолдирди, бир

қанча китоблар ёзди, уялтирмайдиган шогирдлар тайёрлади, кўплаб дўстлар орттирди. Хуллас, бир яхши инсон қилиши мумкин бўлган ишларни қилди. Оғамизнинг охи-ратлари обод бўлишини тилаймиз.

*Қозоқбой ЙЎЛДОШ,  
Педагогика фанлари доктори, профессор*